

Умрзок Холбой ўгли Хайрат (1845—1915) илгор фикрли маърифатпарвар шоир ва нозиктаъб хаттот. У Наманган вилоятининг Тўракўргон туманидаги Ёртепада камбагал дехкон оиласида дунёга келди.

У дастлаб кишлок мактабида, сўнг Тўракўргон марказидаги Гойибназар мадрасасида тахсил кўрди. У тахсил давридаёк бадиий ижодга кизикди, ўзбек ва форс-тоҷик классиклари асарларини кунт билан мутолаа килди. Хаттотлик санъатининг кўплаб сирларини ўрганди. Мадрасани тугатгач, Тўракўргон мингбошиисига мирза бўлиб ишлади, кўп вактини котиблиқ билан ўтказиб кишлок дехконларига ариза, мактуб ва мероснома, китоб кўчириб бериш хисобига факирона хаёт кечирган.

Янги усул мактаблари очила бошлагач, бу мактабларда ўкиш учун кишлокдан талабалар кела бошлади. Дунёвий билимлар ўқитилаётгани учун шоир ўз кишлогидаги болаларни ўкишга даъват килади. Хайрат дўсти Фуркат ва бошка маърифат таркатувчилар сингари илм-маориф, фан ва маданиятни кўплаб шеърларида таргив-ташвик килади.

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Шукрким, бўлди муюссар васли жонон бу кеча,  
Гунчай матлаб очилмок бирла хандон бу кеча.

Боргохи кибриёга арзи хожат айладим,  
Хосил ўлдиким менга инъоми яздон бу кеча.

Толеим Хизри бўлиб раҳбар мени гумрохга,  
Зулмати хажр ичра тофтим оби хайвон бу кеча.

Васл жомин дилбарим сокий бўлиб тутди менга,  
Нўш этиб якбора бўлдим маству хайрон бу кеча.

Жону дил бир-бирга берди, муждаи феруз асар,  
Шодликдин топди кувват нури имон бу кеча.

Неча муддатдин бери чекдим агарчанди алам,  
Махв бўлди, лавхи дилдин доги армон бу кеча.

Тиги фуркатдин кўнгул мажрух эрди, во ажаб,  
Мархами курбат етишди дарда дармон бу кеча.

Ул жафоларким фироки ёрдин чекмиш эдим,  
Гам хужумин боди васл этди паришон бу кеча.

Андалиби жон ўлуб, махбус тан зиндонида,

Сабр-ором олмайин айларди афгон бу кеча.

Шишаи дил санги кулфатдин эди доим шикаст,  
Мүмиёи мархаматдин топди имкон бу кеча.

Дер эдим, бўлмас магар ул дилрабо васли насиб,  
Лутфи хак ёри бўлиб бу мушкул осон бу кеча.

Солди чун боли хумо бошимга шафкат соясин,  
Маснади васл узра чикдим уйла султон бу кеча.

Жону дилга васл чоги тушди бехад изтироб,  
Булбули дил шавк ила бўлди хуш илхон бу кеча.-

Мутлако колмай хушим ўзни фаромуш айладим,  
Макдамига накди жоним бўлса курбон бу кеча.

Дил дуогў, жон ризожў, аклу хушим хайриҳоҳ,  
Жисм аро хар устихонимдур саноҳон бу кеча.

Ёрким, мен нотавон афтодага раҳм айлади,  
Хак таоло давлатин килсун фаровон бу кеча.

Маснади иззатда бўлсин комрони пойдор,  
Етмасун ранжу алам даҳр ичра бир он бу кеча,

Хосил ўлсун хар муродиким дилида бор эса,  
Бўлса хоҳи ошкоро, хоҳ пинхон бу кеча.

Субхи максуди баравжидин тулу этсин нишот,  
Кавқаби бахти бўлиб чун моҳи тобон бу кеча.

Нури тавфики саодат шўъласи бирла дили,  
Кўзгуси топсун жило хам илму ирфон бу кеча.

Хайрато, бордир агар жонинг тан ичра баркарор,  
Айлагил доим дуойи хайри жонон бу кеча.

\* \* \*

Сабо, еткур саломимни нигори гулузоримга,  
Тахийёти каломимни пари-пайкар нигоримга.

Сабо, арзим баён айлаб, неча элдин нихон айлаб,  
Равон ашкимни кон айлаб фироки ёригоримга.

Сабо, субхи малохатдин кетур бўйи латофатдин,  
Дамодам атри рохатдин димоги мушкборимга.

Сабо, ман санга айтурман, сўзимни ёра айтурсан,  
Юзи гул, орази гулшан малохат ошкоримга,

Сабо, сенга сўзум шулдур, дегил: «Бечора бир кулдур»,  
Ажойиб кори мушкулдур, тагофил пеша ёримга.

Сабо, ул яхши дилбардин, жамоли меҳри ховардин,  
Лаби ёкути ахмардин хабар вер табъи зоримга.

Сабо, бир кун мани холим кўрарсан таври афъолим,  
Етургил арзи ахволим амири комкоримга.

Сабо, раҳм айла ман зора етур арзимни дилдора,  
Хуморим бора тобора зиёд ўяди хуморимга.

Сабо, девонадур Хайрат анинг-чун тортадур кулфат,  
Нечукдур сўрмагил холат, етур номамни ёримга.

\* \* \*

Туштим, ниғоро, бир турфа хола,  
Хажру гамингдин ранжу малола.

Рўзу шабона оху фигоним,  
Тўлди фалакка овози нола.

Йўктур жаҳонда жононлар ичра  
Сиздек парирў ширин макола.

Афтода куллар нетсунки келмас,  
Кўз-кўзга тушмай асло хаёла.

Махжурлиқда умри кўзимдин,  
Жоридур ашким монанди жола.

Ёлгон таazzур кўрганда айтиб,  
Бермай жавобим килган савола.

Ёраб, ракиби ношустарўлар  
Юрсин йироқдин доим мўрола.

Ошиклариға ноз ила бокмай,  
Мастура кизлар янглиг ўёла.

Расми жавонлиг комеҳрибонлиг,  
Айб этса бўлмас, хар хурд сола.

\* \* \*

Фуркатда куйиб бўлдим сўзона тонг откунча,  
Жисм ичра бўлиб жоним бирёна тонг откунча.

Васлинг ила шод эрди махзун дилим, эй махваш,  
Хуснингни чарогига парвона тонг откунча.

Хуноба тўкуб кўздин, йиглаб сани ёд этдим,  
Хилватда тутиб узлат пинхона тонг откунча.

Дардоки, фалак айлаб бизларни жудо сандин,  
Хамхона килиб кўйди хижона тонг откунча.

Ахсан сани кирдору атворингга пинхони,  
Килдинг манга шафкатлар шохона тонг откунча.

Лайли каби ёд айлаб бу ошики Мажнуning,  
Этдинг ўзингга ул кун хамхона тонг откунча.

Эй шўхи сухандоним билмай сани кадрингни,  
Сухбатни еткурмасдин поёна тонг откунча.

Навмиди висол ўлгач Хайратда мани хайрон,  
Билмай ўзими бўлдим девона тонг откунча.

\* \* \*

Найлайн хайрона бўлмай, ёри жоним согиниб,  
Дилбари махбублигда мах нишоним согиниб.

Васлидин уммиди роҳат жону кўнгулда мудом,  
Талх хажрида таки кому забоним согиниб.

Рахм этиб бир йўл хиром этгайму ул симин узор,,  
Иштиёқидин хазин жиссимда жоним согиниб.

Эй мени, махзундин айтинг, ул парига шахри роз,,  
Дўстлар, ёдида куйди устихоним согиниб.

Лахза-лахза ёдида бехушликлар рў берур,  
Йўклигидин аклу идроку баёним согиниб.

Дам-бадам сориг юз ила йўлларида кўз тутиб,  
Интизирида ётурман келмагоним согиниб.

Йўлида гарчанд кўпдур мен каби афтодалар,  
Жумласига муктадоман кадрдоним согиниб.

Номалар ёздим неча сўзи дилимни шарх этиб,  
Хайрати девона ўлдим, дебки хоним согиниб.

\* \* \*

Неши гам етди жигарга устихонимдин ўтиб,  
Дарбадар килди, нигоро, балки жонимдин ўтиб.

Отдилар хар чанд агёр ахли тийри таъналар,  
Тегмади, алхамдулилло, кетди ёнимдин ўтиб.

Хуни ашкимдур шаробу багри бирёним кабоб,  
Улфатимдур доги хасрат ину онимдин ўтиб.

Рахти икболим касод ўлмиш фано бозорида,  
Хор ўлибдур ул мато бу оstonимдин ўтиб.

Сабру орому тахаммул жумла барбод ўлдилар,  
Сарсари фуркат казоро гулситонимдин ўтиб.

Нуктаперойлар сухан бобида хамрозим эрур,  
Мен нечук сабкат килурман хам инонимдин ўтиб.

Мазхари фазлу фасоҳат бўлса харким, Хайрато,  
Сўзласун ул ёр васфида нишонимдин ўтиб.

\* \* \*

Эй хабиби меҳрибоним, мунча ноз этмай келинг,  
Хўб билурсиз холи зорим, имтиёз этмай келинг.

Гарчи биздин беадаблик содир ўлди хар неча,  
Шафкат ила афв этиб журмим, ароz этмай келинг,

Рашк ўтида ўртаниб ёнсин менингдек гайр ха,м,  
Сарнигун айлаб гами-ла сарфароз этмай келинг.

Оташи фуркатда сийнам күйдириб хамчун сипанд,  
Хам тагофил ўтида багрим гудоз этмай келинг.

Мумкин эрмас бўлмаса агёrlарнинг таънаси,  
Билмасин ахли гараз, ифшои роз этмай келинг.

Айб эмасдур хусн шохидин гадога марҳамат,  
Жабрингизни кўпу лутфингизни оз этмай келинг.

Йўқ менга сиздин бўлак бир роздони дилнишин,  
Хасратимга ўзгаларни ахли роз этмай келинг.

Хор этиб суйган гирифтордингиза айлаб назар,  
Ижтиноб ила жафо боз узра боз этмай келинг.

Айтаберсам то киёмат хасратим бўлмас адо,  
Кисса кўтак бўлса яхсидур, дароз этмай келинг.

Номингизга бир мувашшах килди иншо Хайратий,  
Кулбаи вайронасига эхтиroz этмай келинг.

\* \* \*

Кеча охтардим, ўшал сарви равон учрамади.  
Ошкоро демайнин, балки нихон учрамади.

Кўчаларга сув уруб конли ёшим бирла, дариг,.  
Бир кадам кўймайнин ул сарви равон учрамади.

Телбалардек юрубон хар сори кўб тентирадим,  
Келди чикмокка якин оғзима жон учрамади.

Колмади сабру карорим они хижронида ох,  
Мани саргаштага ул сарви равон учрамади.

Дашти фуркатда адам бўлди вужудим гўё,  
Бошима соя солиб, рохати жон учрамади.

Бир кўрарга мани зор айлади, жонон на килай,  
Касди ўлдурмак экан, бермай амон учрамади.

Комати тубийи жаннат, лаби чун лаъли Яман,  
Орази шамъи шабистони жаҳон учрамади.

Наргиси мастидин охуи Хўтан хижлат аро,  
Коши ё киприги чун тийру синон учрамади.

Хайратим ошдию хар ён югуриб колмади тоб,  
Яна маъюс бўлиб ёндиму жон учрамади.

\* \* \*

Эй пари, бас килгил истигнони, жоним колмади,  
Сенга узр айтурга нутк ила забоним колмади.

Сабр килдим ончунон, бир йўл тараҳхум этмадинг,  
Чохи хижрсада колиб, чикмок гумоним колмади.

Гайриларнинг сухбатида булбулигўё бўлиб,  
Манга колганда дединг:— Эмди забоним колмади.

Рахм кил минбаъд, нечун багрим эзди фуркатинг,  
Зохир этдим сенга, бир сирри нихоним колмади.

Хор тутма гарчи бўлсам хам факиру нотавон,  
Хасратингда ушбу жони нотавоним колмади.

Айладинг бехад мани ошуфтахол, эй дилрабо!  
Куймаган хажр ўтида бир устихоним колмади.

Назм аро зийнат учун номи хуруфингни олиб,  
Йигламай бу хомаи мискин фишоним колмади.

Илтифот эт, колмайин то водии Хайрат аро,  
Мухтасар килдим сухан, алкисса жоним колмади.

\* \* \*

Бир-бирин деган киши пайванди жон бўлмок керак,  
Талх сўзини кўйиб ширин забон бўлмок керак.

Дўсту душман ўртасида фарки шулдур, эй кўнгул,  
Лутфу шафкат бирла доим меҳрибон бўлмок керак.

Доимо истаб ризосик хотирини овлабон,  
Айланиб ахволига хам роздон бўлмок керак...

Хозиру гойибда айлаб ёд яхши васф ила,  
Зохиру ботинга бир жисм ичра жон бўлмок керак.

Бегараз улфатчилик айлаб хамиша рўзу шаб,  
Бу эмиш шарти мувардат як забон бўлмок керак.

Хар неча муфсид әли килса арода васваса,  
Бовар этмай дафъатан бо имтихон бўлмок керак.

Бу замона ошноси бул ажаб хар ранг эрур,  
Яхшига яхши, ёмонларга ёмон бўлмок керак.

Тил била сидку мухаббат, дилда юз кибру нифок,  
Бу тариқа ошнодин бадгумон бўлмок керак.

Хайрато, дахр ахлидин меҳру вафо тутма умид,  
Бўлди лозим бу ародин бенишон бўлмок керак.

\* \* \*

Килай хар дам дуойи давлатинг, дилбар саломат бўл,  
Бўлубман мубталойи суратинг, дилбар саломат бўл.

Омон бўлсун хамиша сен била хар кимки хамдамдур,  
Муносиб хам келишган улфатинг, дилбар саломат бўл

Русуми дилраболиг, эй пари, саңга мусалламдур,  
Хусусан ўлтуришда сухбатинг, дилбар саломат бўл.

Юзинг гул ёсамин, лаъли лабинг чун гунчай гулдур,  
Мисоли навдаи гул коматинг, дилбар саломат бўл.

Хабардор ўлгил, эй маҳваш гахи афтода холимга,  
Бўлибдурман асири фуркатинг, дилбар саломат бўл.

На килсун колмади сабри кўриб хусни жамолингни,  
Килур доим дуолар, Хайратинг, дилбар саломат бўл.

\* \* \*

Ё илоҳо, мен каби хеч кимса хайрон ўлмасун,  
Гурбат ичра кулфат ила банди зиндан ўлмасун.

Йўқ кишиким хаста холимни сўраб шод эткудек,  
Бешууру, бекарору, бенигахбон ўлмасун.

Айрилиб ёру диёридин алам ёбонида,  
Зору дур афтодалик бирла жигар кон ўлмасун.

Кадрдонлардин жудою, ношунос ахлига хор,  
Ибтилийка менингдек доги хижрон ўлмасун.

Хар замон ножинсу номавзун ила хамроз ўлуб,  
Хотири гул баргидек хар ён паришон ўлмасун.

Не бир ахбоби самимий ахли дарди бегараз,  
Хамдами хайли тахаллуфпеша нодон ўлмасун.

Ноз этиб, нозик адои нозанинлар нозики,  
Окибат хажрида онларни пушаймон ўлмасун.

Хар ким ёраб, бу фони дахр аро ахбобидин,  
Айрилиб девона Хайратдек газалхон ўлмасун.

\* \* \*

Очма рухсоринг чамандин рангу бў кўзгалмасун,  
Аксидин ойиналар монанди сув кўзгалмасун.

Гулшан ичра кулма токим, гунча багри чок ўлиб,  
Лаълингга айлаб ўзини рўбарў кўзгалмасун.

Рахм этиб муштоклар сорига гоҳо кўй кадам,  
Васлинг истаб мисли Мажнун кўбакў кўзгалмасун.

Муддатедур дарди хижронингга бўлдим мубтало,  
Тандин айлаб кетгали жон жустужў кўзгалмасун,

Ишк bemoriga, эй нодон, табиб этма илож,  
Бевафо деб хикмат ахлидин гулу кўзгалмасун,

Лоладек кат-кат кўнгуллар хасратидин додгур,  
Кўркарам изхорига деб гуфтугў кўзгалмасун.

Нка бирла жайбу домоним гамингнинг панжаси —  
Чок-чок этди, ўзингдин феъли хў кўзгалмасун.

Жону дил муштоқдур, жоно, висолинг жомига  
Ўзгалар сахбоя пур айлаб, сабу кўзгалмасун.

Айлама хар булхавасни сухбатингдин баҳравор,  
Токи бу нуксонига афсонагў кўзгалмасун.

Нозанино, бу жаҳон ичра кўнгулда муддао  
Васлинг уммидидин ўзга орзу кўзгалмасун.

Хайрати девона, бирни деб бўлакка бокмаким,  
Чарх давронида ногоҳ сахв дув кўзгалмасун.

\* \* \*

Бұлмасун, ёраб, киши мендек диёридин жудо,  
Айшу ишрат нұши жоми рўзгоридин жудо.

Тортибон тори насиба хар тараф занжир ила,  
Гурбат ичра зор ўлиб ахли каторидин жудо.

Интизори ахли авлод ўлмасун фуркат аро,  
Ёри мушфик зумраи хешу таборидин жудо.

Маскани маълуфу маъво манзили жойи аро,  
Гарчи бўлсун анкабут ул тори коридин жудо.

Булбул ўлмас хуш наво айрилса гулшандан агар,  
Ноласи жонсўз ул фасли баҳоридин жудо.

Токат этмаз хеч вакти хажр аро маҳзун кўнгул,  
Ёраб, асло бўлмасун ошик ниғоридин жудо.

Интизорин ваъдаи дийдор дилдор этгуси,  
Халқ аро афсонаи хам аклу оридин жудо.

Хайратий девонага хуббул ватан манзурдур,  
Бўлмасун ул нури чашми рўзгоридин жудо.

\* \* \*

Кўнглумда гаминг наштаридин доги алам бор,  
Ким санга асир ўлди анга ушбу надам бор.

Эй шўхи пари чехра, сени деб бу жаҳонда,  
На майли чаман, на хаваси боги Эрам бор.

То жоним эрур тан кафаси ичра мукаррап,  
Ишкингда каландарман, анга шоҳид эгам бор.

Бу телбалигим боисидур ишқ жунуни,  
Кисматда менга ёзган они лавху калам бор.

Хуноба тўқай тобакай, эй ёр кўзимдин,  
Хажрингда агар етса ажал менга на гам бор.

Ўлдим дедиму, айламадинг лутф ила парво,  
Харгиз демадинг, ишким аро санда алам бор.

Номингни дурри харфини бу назм узра ёздим,  
Девонаи Хайрат дилида ушбу ракам бор.

\* \* \*

Неча кундурким менга ул шұх жонон иидамас,  
Хар неча килсам гами хажрида афгон, индамас.

Ул париваш ёр хажрида давомат күзларим,  
Дард бирла хар нечаким йигласун кон, индамас.

Жону дил бирла мухаббат айладим аммо на суд,  
Билса хам ишкида ахволимни чандон, индамас.

Йўкламас гарчанд беморини дарди хажридин,  
Колди на жонимда рохат, танда дармон, индамас.

Ул париваш ишкида ўлмакдин ўзга чора йўк,  
Эндиликда хар куни берсамки юз жон, индамас.

Бўлди Фарход ила Мажнун киссаси афсонадек,  
Чунки ёр олдимда, аммо дил паришон, индамас.

Найлайнким гайрилар бирла менинг рагмим учун  
Рўбарўда ўлтуриб, ул ёри нодон, индамас.

Ваъдаи васлига мен нодон инониб шод эдим,  
Кайда колди ул вафойи ахду паймон, индамас.

Гунчай табъим насими муждадин очилмагай,  
То кетиб кулбамга ул шўхи сухандон, индамас.

Рост деб бўлмас ишониб бевафолар ахдига,  
Бўлса хамким ваъдаси кўрганда ёлгон индамас.

Тут умид илки била домони матлаб охири,  
Хайратий девона сенга, йўктур- имкон индамас.

## МУХАММАСЛАР

### НОДИМ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Келгил, эй маҳваш, кўзим муштоки дийдоринг сенинг,  
Ишқ бозорида жон жазми харидоринг сенинг,  
Ушбу савдога сабаб, бу хусну рухсоринг сенинг,

Умрлардурким күнгүл, жоно, гирифторинг сенинг,  
Орзуманди лаби лаъли шакарборинг сенинг.

Коматингдан сарв хам гул новдаси бебокдур,  
Лабларинг лаълу, тишиңг дурдонаи ноёбдур,  
Махрами хусн ичра ул ким шўълаи маҳтобдур,  
Базм аро шамъи нишот афрӯз, оламтобдур,  
Эй парилар сарвари, ул икки рухсоринг сенинг.

Бир йўл, эй берахм, дил васлинг-ла хурсанд ўлмади,  
Базмларда илтифотинг-ла фараҳманд ўлмади,  
Мен каби хеч кимса доми хажрингга банд ўлмади,  
Охким, харгиз висолингдин баруманд ўлмади,  
Жон бериб юз минг менингдек ошики зоринг сенинг.

Мардуми чашминг солиб күнгулга юз минг шўру шар,  
Холи хиндуким занахдонингда кўрдим мустакар,  
Хасратида нола килмоқдур фаним шому сахар,  
Лаъли нобинг иштиёқидин бўлиб хуни жигар,  
Гунча янглиг тах-батах кондур дилафгоринг сенинг.

Эй малоҳат тахтида сенсан амири сарфароз,  
Хўбларнинг сарварисан, дилбари ошик навоз,  
Ишк элининг кори-боридур хама ажзу ниёз,  
Хар жафою жабр килсанг инжимам, эй сарви ноз,  
Ўзгалар лутфидин ортиқ жонга озоринг сенинг.

Чашми хунрезинг хамиша касди жон этмок тилар,  
Орзуйи лабларинг багримни кон этмок тилар,  
Шавки дийдоринг кўзим ёшин равон этмок тилар,  
Хоки пойингни нисори нақди жон этмок тилар,  
Кеча-кундуз йиглабон хар ерда хушторинг сенинг.

Эй пари, сенсан хама маҳваш эли ичра синад,  
Оlam ичра ошики дийдоринг эрмиш беадад,  
Хайратий девонага исминг аён этмок на хад,  
Нодим ашъорига музмар харфу ишкинг то абад,  
Хирзи жони ахли ушшок ўлди тумморинг сенинг.

## НИСБАТ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Охким, бир бўлмадик асло кадрдон иккимиз,  
Этмадук кўл ушлашиб сайри гулистон иккимиз,  
Не бўлур, эй юзлари хуршиди тобон иккимиз,  
Ошнолик бирла бўлсак шоду хандон иккимиз,  
Ўртамизга тушмаса бегона бир он иккимиз.

Доимо кезгум чу булбул гулюзим ёдин килиб,  
Нанг ила номус, аклу хуш барбодин килиб,  
Иттифоко ёрими күрганда дил шодин килиб,  
Хайфким, хар дам фалак кажравлик ижодин килиб,  
Гар топишсак күймагай сухбатга чандон иккимиз.

Иштиёкидин бўлиб жон ила диллар бехузур,  
Етмадим васлига харгиз, кўрмадим айшу суур,  
Бор эканму билмадим оё бу пешонамда шўр,  
Муддао накши мухаббат кўнглимиз лавхидадур,  
Рамз ила имо этишмок эрди, эй жон, иккимиз.

Муддаойи хотирим бўлгаймукин, ёраб, хусул,  
Тиги хижрон ила захмин кўнглум ўлди пур малул,  
Бўлса хохи ошно ёким ракиби булфузул,  
Дахли йўқ гайри дигар гар топса ўртамизга йўл,  
Махзи хасратлар била килгаймиз армон иккимиз.

Ишк жомин маст хар ким нўш этар хушёр эмас,  
Кимдур ул бўлсун фаришта хамнафас агёр эмас,  
Волаи мафтун кўнгул деб орзуга ор эмас,  
Хохи дўсту хохи душман бизга хеч даркор эмас,  
Жони дилдек бўлсак ар тан ичра пинхон иккимиз.

Сайр этиб юрсак иков боглар аро дилхушлашиб,  
Украса хажр ила фуркат жон борича мушлашиб,  
Бодаи гулрангдин нўш айлабон майхушлашиб,  
Орзум шулдур хамиша сиз билан кўл ушлашиб,  
Айласак хар ён хиромон ила жавлон иккимиз.

Каҳр этиб гохи ситам тигида сийнам тилдириб,  
Ним нитохи хандаомиз ила гохи кулдириб,  
Хайратий девонага махбуб эконин билдириб,  
Нисбатийга амр этиб, гохи мувашшах килдириб,  
Номингиз ашъорига бўлсак газалхон иккимиз.

## МУКИМИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Ишк аро ошик элин афгор килмок шунчалар,  
Йиглатиб кўз ёшини хунбор килмок шунчалар,  
Арзи хол этса агар инкор килмок шунчалар,  
Зулм ила каҳру газаб изхор килмок шунчалар,  
Ошики бечорага озор килмок шунчалар.

Лутф этиб агёрига рашк ўти бирла куйдуриб,  
Тиги ноз ила нёча муштокларни ўлдуриб,

Васлидин маҳрум этиб, хар ён ракиб ила юриб,  
Гул дебон севган кишининг кўкрагига ниш уриб,  
Хастаю маъюс этиб, афгор килмок шунчалар.

Бир такаллум айламай хушторларнинг базмида,  
Комёб гулдек чу ман беморларнинг базмида,  
Ошики содик дили афгорларнинг базмида,  
Тўтии шириксухан агёрларнинг базмида,  
Бизга келганда гапурмай, зор килмок шунчалар.

Нозу истигнолар ила олмайин юздин никоб,  
Бир киё бокмай, яна айлаб неча қахру газоб,  
Эй шахи тахти малоҳат, дилбари олий жаноб,  
Сизга ким аиди, мухаббат ахлини кил эхтисоб,  
Кўркутиб ўз айбига икрор килмок шунчалар.

Бўлса хар кандог киши улфат якоси тугмалик,  
Хар касу нокаски, бадтийнат, якоси тугмалик,  
Хуш тавозе бўлса, серсавлат, якоси тугмалик,  
Келса олдингизга бой сурат, якоси тугмалик,  
Иzzат ила шоду миннатдор килмок шунчалар.

Ким кезиб дашти мухаббат ичрадур зору асир,  
Тут факирлар илкини бўлса агар равшан замир,  
Кўзга илмай, эхтиroz ила ани айлаб чакир,  
Гарчи келса эски тўн, биздек дуогўйи хакир,  
Камбагалнинг хиркасидин ор килмок шунчалар.

Ёр агар зулм этса, Хайрат, тонмагай харгиз Муким,  
Хажр жомин нўш этарда конмагай, харгиз Муким,  
Хар бир ишким етса, меҳнат сонмагай харгиз Муким,  
Хар балою жабр келса ёнмагай харгиз Муким,  
Ошик ахлини урубон хор килмок шунчалар.

## РУБОЙЛАР

\* \* \*

Ёраб, ахли дард ила хамроз кил,  
Мунису хамсубату дамсоз кил.  
Килма хар ножинс ила хамдам мани,  
Улфати ахли салохи соз кил.

\* \* \*

Сокиё, навбат ила жом кетур,  
Нүш этай дам тутиб тамом, кетур.  
Гам била хотирим мушаввашдур,  
Тарк килмай ани давом кетур.

\* \* \*

Агарчи Хайратий девонадурман,  
Бихамдиллохким, фарзонадурман.  
Күзи күр ахлига гүё сомоне,  
Күзи бийнога чун дурдонадурман.

\* \* \*

Сокиё, лолагун шароб кетур,  
Жисми жонимга печу тоб кетур,  
Доми гамдин даме халос бўлиб,  
Ёзайнин хасратим, китоб кетур!

\* \* \*

Эшитган, ўкугонга Хайратийдин аргумондур бу,  
Дилидин, рози ифшодин баён хам таржимондур бу.  
Ёзилган сафҳаи кўнглумга илҳоми илохийдин  
Ки бир нозик адо дилдор васфидин нишондур бу.